

8. УЙДАН НОРМАЛ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Кўп мамлакатлардаги кучли zilzilаларнинг оқибати шуни кўрсатадики, уйларнинг жиддий шикастланиши ва бузилиши улардан фойдаланишда энг оддий қоидаларга риоя қилмасликдан рўй берар экан.

Уйдан нормал фойдаланишнинг асосий қоидалари қуйидагилар ҳисобланади:

- уйни доим яхши фойдаланиш ҳолатида (нормал техник ҳолатда) сақлашга эришиш керак, яъни уйга техник хизмат кўрсатишни ва олдиндан чора кўрувчи режавий таъмирлаш системасида кўзда тутилган барча ишларни ўз вақтида бажариш лозим;

- ўзбошимчалик билан уйнинг конструктив ечимига унинг zilзилабардошлигини камайтирувчи ҳеч қандай ўзгартиришлар киритмаслик керак.

Уйни нормал ҳолатда сақлаб туриш учун назорат қилинадиган асосий параметрлар қуйидагилар ҳисобланади: пойдеворнинг ҳолати, конструкцияларнинг мустаҳкамлиги ва деформацияси, уйнинг фазовий бикрлиги, конструкцияларнинг коррозияси, конструкцияларнинг таянч қисмлари ва таяниш ўрни, том қопламаси ва тарновларнинг ҳолати, инженерлик ускуналари тизимининг ҳолати.

Биринчи навбатда томнинг, сув тармоқлари ва канализация системаларининг, отмошканинг нишабига, ҳамда асос ва пойдеворларнинг нормал ҳолатларига алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Чунки, том элементларининг шикастланиши, водопровод ва канализация системаси ва отмошка нишабининг бузилиши натижасида пойдевор тагига сув кетиши мумкин, бу эса ўз навбатида уйнинг асосини ниҳоятда кучсизлантиради.

Маълумки, асос ва пойдеворлар грунтнинг маълум намлигидаги рухсат этилган ҳисобий юкка мўлжалланган бўлади, шунинг учун уй атрофида отмошка қилиниб, асос грунтнинг ортиқча намланишига йўл қўймаслик керак.

Уйдан нормал фойдаланишнинг асосий қоидалари

Шунинг билан бирга деворларга яқин жойларда намликни сақловчи дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликлар бўлмаслиги керак. Бу тадбирларга амал қилмаслик асос ва пойдеворнинг юк кўтариш қобилиятининг йўқолишига, натижада уйнинг деформацияланишига олиб келиши мумкин. Уйдан нормал фойдаланишнинг асосий қоидалари 8.1-расмда келтирилган.



8.1-расм. Уйдан нормал фойдаланишнинг асосий қоидалари

ХУЛОСА

Ушбу амалий қўлланмани ўқиб, Сиз зилзилавий ҳудудларда деворлари пишиқ ва хом ғишдан, пахса ва синчдан тикланадиган хусусий ўйларни лойиҳалаш ва қуришнинг асослари ҳамда уларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигига путур етказмайдиган техник жиҳатдан фойдаланишнинг асосий қоидалари билан танишиб чиқдингиз.

Бунда сейсмиклиги 7, 8 ва 9 балли бўлган ҳудудларда қуриладиган хусусий ўйларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш кўриб чиқилди.

Қуриладиган ўйингизнинг хажмий-тархий ва конструктив ечимлари бўйича юк кўтарувчи конструкциясининг типи ва қурилиш майдончасининг ҳисобий сейсмиклигига мувофиқ тавсиялар берилган.

Шундай қилиб, зилзилавий ҳудудларда деворлари пишиқ ва хом ғишдан, пахса ва синчдан тикланадиган хусусий ўйларни лойиҳалаш ва қуришда юқорида келтирилган принципларга, хажмий-тархий ва конструктив ечимларга риоя қилинган бўлса, уларнинг зилзилабардошлиги таъминланган бўлади. Фақат шундагина Сизнинг ўйингиз зилзилага бардош беради.